



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ!**



Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

**№43
(1477)
2023 YIL
9-NOYABR**

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

**ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА**



t.me/o'zbekistondasog'liqsaqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

**ШИФОКОР КАСБИ
ШАРАФЛИ,
МЕҲНАТИ ЭСА
УЛУҒДИР!**



Шифокор касби масъулиятли ва шарафли, меҳнати эса улугдир! Сиз каби жонкуяр соҳа ходимлари меҳнати ила инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинади, саломатлиги эса мустаҳкамланади. Инсон авваламбор, дардга чалинганда ва хасталик хуруж қилганда, аввало, Сиз тиббиёт ходимларидан нажот кутадилар, дардларига даво истайдилар. Халқимиз сизларни дунёдаги энг улуг касб эгалари, муқаддас қасамёдига содиқ, ўз ишига фидойи инсонлар деб билади ва машаққатли меҳнатингизни доимо қадрлайди.

Давоми 2 - бетда ►

**"11 ноябрь –
Ўзбекистон
Касаба
уюшмалари
куни"**



O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

**БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**



*Тизимда фидойиларча меҳнат қилиб
келаётган барча шифокорларни
Тиббиёт ходимлари куни
билан самимий
табриклайди!
Байрам шуқуҳи дилларимизни
шод, қалбларимизни чарогон
этаверсин. Халқимиз саломатлиги
йўлидаги ишларингизга улкан
ютуқлар тилаймиз!*

**ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**

Юртимиз шифокорларини

Тиббиёт ходимлари куни

билан чин дилдан
муборакбод этади!

*Инсонлар саломатлиги, уларнинг
ёрқин истиқболи йўлида фидокорона
меҳнат қилаётган Сиз азизларни
келажакка бўлган ишонч туйғулари
асло тарк этмасин!*



ШИФОКОР КАСБИ ШАРАФЛИ, МЕҲНАТИ ЭСА УЛУҒДИР!

Мамлакатимизда кенг нишонланаётган ушбу байрам нафақат тиббиёт ходимларининг, балки бу касб эгалари билан фахрланиб дил сўзларини изҳор этаётган аҳолимизнинг ҳам қутлуғ айёмидир.



Тиббиёт тарихида илк бор ўзбек шифокорлари томонидан сиам эгизаклари ўта ноёб операция натижасида ажратиб олинди

Сиам эгизакларини жарроҳлик йўли билан ажратишга кўп мамлакатларда ҳатто энг моҳир хирурглар ҳам жазм этолмайди. Чунки бу – ўта ноёб операция. Қолаверса, бир вужудга бирлашган икки "жажжи жон"нинг ҳаёти ҳар сония хавф остида бўлади.

– Республика перинатал марказида ўтказилган ушбу ўта мураккаб амалиёт эса тўлиқ ўзбек шифокорлари томонидан амалга оширилди, – дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Бахтиёр Эргашев.

Ўз навбатида, болаларнинг бувиси қирғизистонлик Хатиря Примова ва онаси Зоҳида Мирзаакбарова ҳам Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ҳамда бутун ўзбек шифокорларига ўз ташаккурини айтди:

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ҳолимиздан хабар олиб келганларида: “Худо хоҳласа, Фотима-Зухралар улғайиб, шифокор бўлиб, оқ халат кийсин. Ўшанда ҳам уларни Ўзбекистонда ўқитайлик” деб тилак билдирди. Биз ҳам вазири айтганидек, набираларим келажакда шундай кўли енгил шифокор бўлишини ният қилдик.

Эгизакларимиз ҳаётини сақлаб қолиб, оиламизга бахт улашганлари учун Республика перинатал марказига, муассасанинг Бахтиёр Эргашев раҳбарлигидаги чақалоқлар хирургияси бўлими мутахассисларига, операцияда иштирок этган Ҳабибулло Оқилов ва Насриддин Эргашев каби профессорлар-дўхтирларга чексиз миннатдорлик билдираман.

**Менга ҳаёт
бахш этишди**



Онадан қайта туғилгандай бўлдим, – дейди Қашқадарёлик Муаззам Бобоқулова. – 2016 йилдан буён юрак етишмовчилигидан қийналиб яшадим. Шифокорларга мурожаат қилсам, энди дори таъсир қилмайди, операция қилиш керак деди. Биттагина ўғлим қандай пул топиб беради, деб ўйланиб қолгандим, Президентимиз биз каби беморларга имтиёз яратгани ҳақида айтишди. Ҳаммаси бепул бўлгани яна ҳам яхши бўлди. Муаззам опада мураккаб жарроҳлик амалиёти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари такрор ва такрор халқимиз розилигига эришиши – бу бизнинг олий мақсадимиз деб айтадилар. Шундай экан, бизнинг ҳам мақсадимиз ана шундай эзгулик йўлида самарали меҳнат қилишдир. Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг билими ва маҳорати, бутун борлигини инсонлар саломатлигини сақлашдек заҳматли ва эзгу ишга бағишлаган Сиздек саховатли касб эгаларини "Ўзбекистон тиббиёт ходимлари куни" муносабати билан самимий қутлайман!

**Амрилло ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.**

**Инсон тоғлар
каби бардошли**

Ойлаб, йиллаб шифохона шифтига қараб, танаси дард билан қурашаётган беморлар орасида Куйи Чирчиқлик 65 ёшли онахон билан суҳбатда бўлдик. Яшашдан умидимни уздим, дардим оғир бўлса, бекорга пул сарфлагандан кенжа ўғлимни уйлантирай, у дунёга хотиржам кетаман, деган фикрлар ўтди ҳаёлимдан, – дея сўз бошлади Холида Алиқулова.

Онахон соғлиги ёмонлашиб, иситмалаш ортидан шамоллаш ташхис билан даволанади. Холида ая Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказига юборилади. 8 ой овқат истеъмол қила олмаган, тўшакда ётиб қолган онахонда икки марта юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Бунинг учун сарфланган сарф-харажатларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берди.

ЎЗБЕКИСТОН–ФРАНЦИЯ

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон–Франция бизнес форуми манфаатли келишув ва самарали мулоқотларга бой бўлди. Хусусан, унинг доирасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири А. Иноятов ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори А. Азизов Франциянинг “Boehringer Ingelheim” компанияси раиси Кристиан Вижсен билан музокаралар олиб борди.



Айтиш жоизки, “Boehringer Ingelheim” биологик ва онкологик препаратларни шартнома асосида ишлаб чиқиш ва ишлаб

чиқариш бўйича хизматлар кўрсатувчи компанияларнинг етакчи йигирматалигига киради. Мулоқот давомида респиратор, юрак-қон томир ва онкологик хасталиклар, ОИВ, тромбоземболиялар, цереброваскуляр касаллик, қандли диабет, гепатит ҳамда Паркинсонни даволашга мўлжалланган дори воситаларини ишлаб чиқарувчи мазкур компания раҳбарияти билан маҳаллийлаштириш имкониятларини чуқур ўрганишга келишиб олинди. Шунингдек, Амрилло Иноятов Франциянинг “Airbus Helicopters” компанияси раҳбарияти билан учрашди. Музокара давомида Республика тез тиббий ёрдам тизими учун 10 та “Airbus H-145” русумли тиббий вертолётларни харид қилиш ҳамда мамлакатимизда Европа стандартларига мос тиббий авиация хизматини ташкил этиш, бу соҳанинг моддий-техника



базасини яратиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш, тоғли ва чекка ҳудудларда тиббий авиация хизматини ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқиш истиқболларини муҳокама қилди.

Форум доирасидаги навбатдаги мулоқотда вазири Амрилло Иноятов тиббий кисло-

род генераторлари, тиббий газ қурилмалари ва тизимларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи “Газ систем” компанияси раиси Жан Эдуард билан ўзаро ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқди.

@ssvuz

ТАНИ СОҒЛОМ, РУҲИ ТЕТИК ОДАМГАГИНА ҲАЁТ ҚУВОНЧЛАРИ ТАТИЙДИ

Сурхондарё Вилояти Музработ туманидада ўтган оммавий тиббий кўриклар юзлаб беморлар дардига малҳам бўлди Саломатлик ва хотиржамлик. Инсон учун бу икки неъматнинг қадри бениҳоя улуг. Айниқса, тани соғлом, руҳи тетик одамгагина ҳаёт қувончлари татийди.

лоят микёсидаги тиббиёт муассасаларида даволаниш имкони яратилди. Шунингдек, шифокорлар ётиб қолган хаста инсонлардан уйма-уй хабар олмақда.

– Пойтахтдан келган бир гуруҳ малакали шифокорлар маҳаллий мутахассислар билан



гик амалиётлар муваффақиятли бажарилди. Ўтказилаётган тиббий кўриклар натижасида кўплаб беморлар вилоят марказига бориб, ортикча овора бўлмасдан туманнинг ўзида малакали тиббий хизматдан фойдаланмоқда.



Аммо турмуш ташвишлари, рўзгор югур-югурлари сабаб ҳамма ҳам ўз соғлигига вақтида эътибор бера олмайди. Оқибатда бирор касалликка йўлиқиш хавфи юқори. Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан ҳудудларда юртимизнинг энг малакали шифокорлари иштирокида ўтказилаётган оммавий тиббий кўриклар ана шундай беморлар дардига малҳам бўлмоқда. Айниқса, бундай соғломлаштириш тадбирлари тиббиётни аҳолига яқинлаштириш, бирламчи бўғинда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, энг муҳими, малакали тиббий хизматни ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонгача кириб боришини таъминланмоқда. Ана шундай оммавий тиббий кўрикларнинг бу навбатдагиси олис Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтмоқда. Бугун Сурхондарёда 185 та тиббиёт муассасаси, жумладан, 15 та туман-шаҳар тиббиёт бирлашмаси, 102 та ои-

лавий поликлиника, 68 та оилавий шифокор пункти ва унинг таркибида 237 та маҳалла тиббиёт пункти фаолият юритмоқда. Вилоят аҳолиси орасида асосан нафас олиш, кўз, қон айланиш ва овқат ҳазм қилиш тизими хасталикларига чалиниш ҳолатлари кўп учрамоқда. Шунингдек, аҳолининг 40 фоиздан ошмиги ортикча вазн, 17 фоизи семизлик, 9 фоизи қандли диабет касаллигига чалинган. Ушбу акцияда республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбарлари ва шифокорларидан 150 нафарга яқин жамоа ҳамда 200 нафар маҳаллий мутахассислар аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказяпти. Хусусан, аҳоли сайёр маммография, мобил офтальмологик клиника, флюорография, ЭКГ, УТТ ва махсус лаборатория ёрдамида тиббий текширувдан ўтказилиб, ўтқир ва сурункали хасталиклар қайд этилган беморларга туман ҳамда ви-

бирга, туманларга бўлинган ҳолда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқдамиз, – дейди Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари Дилшод Абдуназаров. – Ушбу акциядан, энг аввало, аҳоли саломатлигини яхшилаш, сурункали касалликларнинг олдини олиш, ногиронликни камайтириш ва юқори технологик даволаш усуллари вилоятнинг ўзида бепул амалга ошириш мақсад қилинган. Музработ туманида бўлиб ўтган бугунги оммавий кўриклар давомида кўз касалликларига чалинган бир қанча беморлар текширувдан ўтказилиб, уларга керакли тавсиялар берилди. Шунингдек, марказимизнинг Термиз филиалида уч кун давомида катаракта, глаукома касалликлари аниқланган 30 нафардан ортик беморда юқори техноло-

Шунингдек, Сурхондарёда ўтаётган оммавий тиббий кўриклар доирасида вилоят тиббиёт муассасаларида буйрак трансплантацияси, эндопротезлаш, кардиохирургик, нейрохирургик ва офтальмологик йўналишларда юқори технологияли мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Ушбу операциялар республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларидан борган етакчи шифокорлар бошчилигида амалга ошириляпти. Тиббий кўриклар вилоят бўйлаб давом этмоқда.

БЕМОРЛАРДА БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

Буйрак – инсон организмида ўта муҳим вазифани бажаради. Агар ушбу аъзонинг фаолияти бузилса, бемор саломатлигида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, сурункали буйрак етишмовчилиги (терминал босқичи) ана шундай оғир хасталиклардан биридир.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу касалликка чалинган инсонларнинг турмуш тарзи, кун тартиби, ҳаёт сифати бошқа беморларникидан тубдан фарқ қилади. Уларнинг аксарияти гемодиализ муолажасини олиб юришга мажбур. Бемор ҳафтасига 3 марта, 3-4 соатдан гемодиализ залида бўлиши унинг кўпгина ҳаётини юмушлардан четланишига сабаб бўлади. Шу боисдан мазкур ҳолатда буйрак трансплантацияси ягона ва самарали даволаш усули ҳисобланади. Сўнгги йилларда юртимиз тиббиётидаги ижобий ўзгаришлар сабабли бугун ушбу мураккаб жарроҳлик амали-

ёти Ўзбекистоннинг ўзида, маҳаллий шифокорларимиз томонидан муваффақиятли бажарилмоқда. Ихтисослашган тиббий хизматнинг аҳолига янада яқинлаши натижасида эса буйрак кўчириб ўтказиш операцияси юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам ўтказиляпти. Шу кунларда Соғликни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Сурхондарёда бўлаётган оммавий тиббий кўриклар доирасида Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида бир қанча оғир беморларда ана шундай амалиётлар бажарилди. Бемор – Мехринисо Пардаева – 36 ёшда. Қизирик туманининг Истиклол маҳалласидан. Унга сурункали буй-

рак етишмовчилиги терминал босқичи ташхиси қўйилган. Бемор бу дарддан ўн йилдан бери азоб чекади. Икки йилдирки, гемодиализ муолажаларини олади. Мехринисонинг таъкидлашича, у пойтахтга бориб, мураккаб операция орқали соғайишни ният қилганди. Аммо бунга ҳожат қолмади. Тошкентдаги Хирургия маркази моҳир жарроҳларининг ўзи Термизга келиб, трансплантация амалиётини ўтказишди. Беморга 31 ёшли синглиси Юлдуз Пардаева бир буйрагини берди. Юқори технологик муолажа муваффақиятли ўтди. Ҳозир Мехринисонинг ҳам, донорнинг ҳам аҳволи яхши,

шифокорлар назорати остида саломатлиги тикланмоқда. Вилоятда ўтказилаётган оммавий тиббий кўриклар доирасида ангорлик 27 ёшли Зайнаб Нортोजиева ҳам буйрак кўчириш амалиёти бажарилди. Донор бегона эмас – унга отаси, 52 ёшли Дониёр Нортोजиев бир буйрагини берди. Шифокорларнинг таъкидлашича, бемор ўтган йилдан бери гемодиализ муолажасини олади. Айни вақтга келиб, ташхис терминал босқичга ўтгани сабабли уни соғлом ҳаётга қайтаришнинг ягона усули сифатида буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти тавсия этилган. Ҳозир З. Нортोजиева трансплантолог

мутахассислар тиббий кузатуви остида бўлиб турибди. Унинг буйрак фаолияти тикланишида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Шунингдек, беморга донорлик қилган отаси Д. Нортोजиевнинг саломатлиги ҳам яхшиланиб борапти. Маълумот ўрнида, Сурхондарёда давом этаётган оммавий тиббий кўриклар доирасида вилоят тиббиёт муассасаларида эндопротезлаш, кардиохирургик, нейрохирургик ва офтальмологик йўналишларда ҳам қатор юқори технологияли мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. @ssvuz

«ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН»

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҲАМКОРЛИК БОРАСИДАГИ МУҲИМ КЕЛИШУВЛАР

Муҳтарам президентимиз ташаббуслари билан аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишга, тиббий муассасаларни зарур дори воситалари, асбоб-ускуналар билан таъминлашга, шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг фаолиятини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътиборли томони шундаки, Қорақалпоғистон Республикаси халқининг саломатлиги ҳамisha Президентимизнинг диққат-эътибори ва гамхўрлигида бўлиб келмоқда.

чет эл давлатларининг тиббиёт муассаса ва компаниялари билан ҳамкорлик ишлари олиб борилди. Хусусан, сентябрь ойида вазир Мурад Қурбанов АҚШнинг «Harvard» тиббиёт мактаби ҳамда Бриггем ва аёллар шифохонаси Генетик касалликлар марказининг директори Алиризо Хагиги билан учрашди. Учрашувда оғир экологик шароитда яшаётган ҳудуд аҳолисига тиббий хизмат сифатини яхшилаш, кўп учраётган касалликларни эрта аниқлаш ва бу йўналишда генетик тадқиқотлар олиб бориш



Айниқса, Давлатимиз раҳбари томонидан олга сурилатган кўплаб ғоялар бугун ҳаёт ҳақиқатлигига айланиб бормоқда. Жумладан, Республика Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиали учун янги иморат куриш ва энг замонавий ускуналар билан тўлиқ таъминлаш, муассаса ҳудудида беморларнинг яқинлари учун вақтинча яшаш турар жойини куриш, келаси йилдан Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзак, Бузатов, Шуманай, Қўнғирот туманларида 200 фоиз миқдорда ойлик устама тўлашни йўлга қўйиш, шунингдек, Қорақалпоғистондаги олис ва чекка овулларда ишлатилган барча малакали тиббиёт ходимларига 5 миллион сўмга қадар алоҳида устама бериш ишлари кўриб чиқилмоқда. Шунинг билан бирга, фақат Қорақалпоғистон учун, аҳолининг стационарда даволаниш харажатларини даромат солиғидан озод қилиш, ижтимоий реестрга кирган аҳоли ордер асосида Тошкент шаҳрида ёки вилоят-

ларга даволанишга келганида уларга авиа ва темир йўл харажатларини тўлиқ қоплаб бериш, қорақалпоғистонлик болаларга юқори технологик операциялар учун ҳомийлик қилган тадбиркорларнинг ушбу харажатлари солиқ ундириш базасидан чегириб ташланиши сингари имкониятлар яратилмоқда.

Ўтган қисқа давр ичида соҳага оид бир қатор қонун, фармон ва қарорларнинг қабул қилинганлиги бу йўналишдаги ишлар кўламни янги босқичга олиб чиқмоқда. Шу асосида Қорақалпоғистон Республикасида тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштиришни такомиллаштириш, аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш, тиббиёт ходимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мурад Қурбанов томонидан соҳар ривожини учун ўтган йиллар давомида

билан шуғулланувчи янги лаборатория ташкил этиш, шу асосида аҳоли соғлигини мустаҳкамлашни жаҳон стандартларига мослаштириш бўйича ҳамкорлик тадбирларига келишиб олинди. Дарҳақиқат, бундай лабораторияларнинг очилиши фақат тиббиёт соҳасида эмас, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳаларини ривожлантириш, шу орқали юқори натижаларга эришиш мумкин. Шунингдек, мазкур ойда Мурад Қурбанов видеоконференция тизими орқали Словакиянинг «Tehiniserv» тиббий ташкилоти билан музокаралар олиб борди. Бунда асосан Словакия давлати тиббиётининг сўнги ютуқларини Қорақалпоғистонга жорий этиш ва кадрлар салоҳиятини ошишига оид ҳамкорлик ишлари муҳокама қилинди ва меморандумлар имзоланди. Яқинда вазирликда АҚШ элчихонаси вакиллари билан

кенг кўламли расмий учрашув бўлиб ўтди. Меҳмонларга вазир Мурад Қурбанов Қорақалпоғистон ҳақида ва республика тиббиёт тизими ҳақида тушунчалар бериб ўтди. Сўнгра меҳмонлар ўзларининг сув таркибини ўрганиш ва қайта ишлаш, ичимлик сувининг яроқлилигини яна да яхшилаш бўйича дастурларини вазир ва вазирлик мутахассисларига тушинтириб ўтдилар.

– Яширадигани йўқ, элимизнинг ҳали тоза минералларга тўйинган ичимлик сувига муҳтожлиги бор. Айрим касалликлар эса ушбу сув таркибидаги инсон учун керакли минерал ва витаминлар бўлмаганлигидан, сув таркибининг тўлиқ тоза эмаслигидан келиб чиқади. Биз сув сифатини қанчалик яхшилашга ҳаракат қилсак, халқимиз саломатлиги ҳам шунчалик мустаҳкам бўлишига аминман, – дея таъкидлаб

ўтди вазир Мурад Қурбанов суҳбат давомида. Учрашув сўнигида ҳар икки томон амалга ошириладиган дастурлар билан танишилди ва бу бўйича меморандумлар имзоланди. Яна бир муҳим учрашув Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги дастурлар хизматлари бошқармаси вакиллари билан бўлиб ўтди. Унда бошқарма вакиллари томонидан вазир Мурад Қурбанов бошчилигидаги вазирлик мутасаддиларига «Оролбўйи аҳолисининг соғлигини сақлаш, Мўйноқ ва Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмаларини янгидан куриш ва замон талабларига мос технологиялар билан таъминлаш» бўйича ишлаб чиқилган янги лойиҳалар таништирилди. Учрашув давомида ушбу лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича вазирлик мутасаддилари томонидан қўшимча таклиф ва тавсиялар берилди.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёти шу сингари ҳамкорлик тадбирлари натижасида юртимиздаги кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда янги ютуқларни қўлга киритиши табиий. Бундан асосий мақсад эса халқимизнинг тиббиёт соҳасига бўлган юксак ишончини оқлашдир.

Жаҳит ДАНЕБАЕВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси «Шифокор»
газетасининг бош муҳаррири.

КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯСИ


БУХОРО ВИЛОЯТИ

БЕМОР КЎЗЛАРИГА НУР БАХШ ЭТИБ...

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий - амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали 55 қатновга мослашган замонавий консултатив-диагностик поликлиника ва 50 ўринли стационар ҳамда замонавий жиҳозланган шошилинч ва режали жарроҳлик блокига эга. Ҳозирги кунда марказ филиалида 16 нафар офтальмологлар фаолият олиб бормоқда, шундан 1 нафар DSc ва 2 нафар тиббиёт фанлари номзоди. 2023 йилда 1 нафар шифокоримиз Туркия давлатида офтальможарроҳлик йўналишида малака оширди.

Хозирда марказ филиали Бухоро давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Филиал биносида Офтальмология кафедраси жойлашган бўлиб, офтальмология йўналиши бўйича турли курсдаги 6 нафар магистр ҳамда 7 нафар клиник ординатор тахсил олмоқда. 4 нафар врач

офтальмологимиз илмий иш билан шуғулланмоқда. Офтальмология йўналишида 2 та ўқув қўлланма, 18 та услубий қўлланма, Республика миқёсида 20 дан ортиқ ҳамда Халқаро импакт факторли журналларда 10 дан ортиқ мақолалар чоп этилган. Марказ филиалида 10 турдаги замонавий диагностика





текширувлар ҳамда 15 турдаги юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилди. Шунингдек шифо масканида ҳар ой имтиёзли равишда даволаниш ва диагностика текширувлардан ўтиш мақсадида беморларга 20 та стационар ҳамда 8 та амбулатор ордерлар ажратилади. Таъкидлаш жоизки, тиббиёт муассасасининг маслаҳат поликлиникасида 2023 йил январ ойидан ноябрь ойига қадар 12 459 нафар беморга амбулатор хизмат кўрсатилган бўлиб, шундан 1 835 нафар бемор стационар шариолида даволанган. Марказ филиалида жами 1 625 та жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлиб, шулардан 912 та жарроҳлик амалиёти юқори технологик жарроҳлик амалиёти ҳисобланади. Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида Давлат тиббий сўғурта жамғармаси билан тузилган шартномага мувофиқ даволаш ва юқори технологик жарроҳлик амали-

ётларини амалга ошириб келмоқда ва шу давр мобайнида 331 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилди. Туман ва шаҳарларга бириктирилган кураторлар томонидан "Мобиль поликлиника" ёрдамида 4 210 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилган. 24-сонли ихтисослаштирилган кўзи оғирлар мактаб интернати тарбияланувчилари муассасамиз мутахассислари томонидан тўлиқ офтальмологик тиббий кўрик олиб боришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбарининг 2022 йил 14 ноябрдаги №02-ПА/1/-1717-сон топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинган. Ушбу топшириқ асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 декабрдаги "Самарадорлиги жорий бўлган лойиҳаларни амалиётга жорий этиш тўғрисида"ги кўрсатма хатида асосан

"Глаукома билан касалланишни олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш" лойиҳаси Бухоро вилояти Вобкент туманида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида 40 ёшдан юқори бўлган аҳоли кўзи ички босимини ўлчаш мақсадида глаукома касаллиги скрининг текшируви йўлга қўйилган. Шунингдек, 2023 йилнинг 11-18 апрель кунлари Ўзбекистондаги Хитой Халқ Республикаси элчихонаси кўмағида "Нурли йўл" хайрия акцияси ташкил этилди. Ушбу акция доирасида Бухоро вилояти аҳолиси орасида "Катаракта касаллиги" билан оғирган беморлар бир гуруҳ Хитой Халқ Республикаси ва марказ филиали етакчи мутахассислари билан биргаликда 210 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилди. Маълумки, жорий йилнинг 2-11 октябрь кунлари мамлакатимизда Ўзбекистон-Озарбайжон соғлиқни сақлаш декадаси амалга оширилди. Шу муносабат билан Республика ихтисослаштирилган кўзи микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида Озарбайжон Республикаси Академик Зарифа Алиева номидаги миллий офтальмология маркази, глаукома бўлими мудир Махаррам Пирматов ҳамда марказнинг кичик илмий ходими Равшан Раджабли ташриф буюрди. Марказ филиалида 3-6 октябрь кунлари Озарбайжонлик мутахассислар маҳаллий мутахассислар билан биргаликда 164 нафар беморлар тиббий кўриқдан ўтказилиб тегишли тав-

сиялар берилди, шундан 30 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бепул бажарилди. Таъкидлаш жоизки, Озарбайжонлик мутахассислар билан биргаликда Бухоро вилоятида илк мартаба глаукома касаллигида олдинги камера бўшлиғига дренаж ўрнатиш операцияси амалга оширилди. Бунинг баробарида 12-13 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон офтальмологларининг учинчи халқаро конгресси бўлиб ўтди. Анжуманда Республика ихтисослаштирилган кўзи микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази масъул ходимлари ва юртимиз тиббиёт муассасалари мутахассисларидан ташқари, АҚШ, Германия, Швейцария, Украина, Туркия, Россия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Арманистон каби мамлакатлардан 2000 нафардан зиёд офтальмологлар онлайн ва офлайн тарзда иштирок этди.

Мазкур конгрессда тиббиёт муассасамизда 2 нафар ходим ўзининг маърузалари билан иштирок этишди ва уларнинг ушбу чиқишлари иштирокчилар томонидан юқори баҳоланди.

Жаҳонгир САФАРОВ, Республика ихтисослаштирилган кўзи микрохирургияси илмий - амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали директори.

"ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН"

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар янада жадаллашди, десак муболага қилмаган бўламиз. Соғлиқни сақлаш тизимининг қайси бир йўналишига қараманг, фаолият самарадорлигини ошириш устувор вазифага айланганлигини кўрасиз.

сига айтганда, шунча аёлнинг ҳаётини узаётганига эришилди.

Соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг янгича услубларини амалиётга татбиқ қилиш ҳам диққатимиз марказида. Вилоятимизда танлаб олинган Уйчи тумани оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокорлик пунктларида иш олиб бораётган тиббиёт ходимлари меҳнат самарадорлигини рейтинг тизимида баҳолаш йўлга қўйилди. Бирламчи натижаларга кўра, 856 нафар саломатлик посбонининг иши мазкур тизимда баҳоланди. Юқори балл тўплаган ходимлар муносиб рағбатлантирилди.

Келажакимиз ворисларининг соғлом ва баркамол вояга етишларини таъминлашга қаратилган ишларимиз кўлами ҳам ортмоқда. Бинобарин, Наманган шаҳар, Мингбулоқ, Поп, Чуст, Норин, Наманган, Чортоқ, Косонсой, Янгиқўрғон ва Давлатобод туманлари кўп тармоқли марказий поликлиникаларида болалар бўлимлари очилди. Уларда хизмат қилаётган малакали мутахассислар ўғил-қизларимиз саломатлигини муҳофазалашга сафарбар этилган. Турли касалликларга қарши эмлаш ўз вақтида олиб борилапти ва зарур дори перепаратлари билан мунтазам таъминлаш йўлга қўйилган.

Тиббиёт соҳаси жадал ривожланишда. Янгидан-янги даволаш стандартлари, юқори технологик амалиётлар тизимда жадал қўлланилмоқда. Наманганлик шифокорлар ҳам замон билан ҳамқадамдирлар. Бугунга келиб, илгари хорихда ёки пойтахтимиздаги клиникаларда олиб борилган амалиётларни эндиликда вилоятимизда ҳам жорий этиш устувор вазифамизга айланган. Таққослаш учун рақамларга мурожаат қилсак. Ун ой давомида вилоятимиздаги ихтисослашган тиббиёт марказларида салкам 10



мингга яқин жарроҳлик амалиётлари олиб борилган бўлса, шуларнинг учдан бир қисми юқори технологиялар асосида бажарилган. Лапароскопик, тораскопик, эндоваскуляр ва бошқа турдаги жарроҳлик жараёнлари ана шулар жумласидандир. Албатта, соҳани янада ривожлантиришни юқори малакали тиббиёт мутахассисларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мана шу жиҳат ҳам доимо диққатимиз марказида. Жорий йилда салкам саккиз юз нафардан ортқ тиббиётчилар турли йўналишлар бўйича малакаларини оширишга муваффақ бўлдилар. Вилоятимизда ташкилланган сайёр циклларда 442 нафар шифокор қайта ўқитилди. 115 нафар вақилимиз Республика илмий-амалий тиббиёт марказларида ва Андижон давлат тиббиёт институтида малакасини бойитди. Хориж тажрибасини ўрганишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. 25 нафар шифокор Туркия, Озарбайжон, Ҳиндистон ва Россия Федерациясида малака-тажриба алмашиб қайтди. Булар соҳани янада тақомиллаштириш сари қўйилаётган илк қадамлардир. Жаҳон тиббиёти билан ҳамқадам мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Замон билан ҳамнафас бў-

лиш учун олдимизда улкан вазифалар турибди. Бугунги кенг қамровли саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадга қаратилган. Тармоқ ишини янги босқичга олиб чиқиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Айна дамдаги интилишларимиз мақсади тиббиёт ходимлари касбий маҳоратини янада ошириш, татбиқ этилаётган янги техника ва технологияларни мукамал ўзлаштириш, замонавий ахборот технологияларини изчил қўллаш билан тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва кўламини тобора кенгайтиришдан иборатдир.

Азиз ҳамкасблар! Фурсатдан фойдаланиб эл дардига дармон излаётган барча шифокорларни, кўп сонли ҳамшираларни, меҳнатсевар кичик тиббиёт ходимларини, тизимда фаолият олиб бораётган мутахассисларни касб байрами билан чин дилдан самимий табриклайман. Ютуқларингиз янада кўпайсин, халқимиз саломатлигини мустақимлаш, беморларни дарддан халос этиш йўлидаги сермашаққат ва ша-рафли хизматингизда омадлар ёр бўлсин, дейман.

Абдулҳоди ИМИНОВ, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.



Айниқса, бирламчи тизим хизматини замон талаблари асосида тақомиллаштиришга урғу берилмоқда. Эндиликда энг олис ҳудудларда ҳам аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилган. 185 та оила поликлиникалари, оила шифокорлик пунктлари ва маҳалла тиббиёт пунктлари фаолият олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўзида яна 30 та мана шундай тиббиёт масканлари очилганлиги фикримиз далилидир.

Тиббиётнинг келажак про-филактикадир. Зеро, касалликларни даволашдан кўра уларнинг олдини олиш гоёта муҳим. Шунинг учун ҳам аҳолининг барча қатламларини мақсадли тиббий кўриқка жалб қилиш масаласи муҳим вазифа саналмоқда. Илм бошидан бери турли соҳалар вақилларини ҳамда кексалардан бошлаб то ёшларгача профилактик тиббий кўриқлардан ўтқа-

зишга алоҳида аҳамият қаратилди. Салкам 700 минг нафардан зиёд фуқароларнинг саломатлиги ҳудудларнинг ўзида скрининг текшуvidан ўтказилди. 4 минг нафарга яқин кишида эндокринологик, салкам 10 минг нафар юртдошимизда юрак-қон томир касалликлари эрта босқичларда аниқланиб, сифатли даволаш чоралари кўрилди.

Онкологик хасталикларни барвақт қайд этиш ва самарали даволаш ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Бу йўналишдаги скрининглар янада ижобий натижа бермоқда. Жорий йилнинг ўзида 500 минг нафардан зиёд аёллар бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони бўйича скринингга жалб этилди. Натижада юз нафарга яқин опа-сингилларимизда мазкур касалликларнинг белгилари дастлабки босқичда аниқланиб, кечиктирмасдан даволаш чоралари кўрилди. Бу шунчаки статистика эмас. Бошқача-

ЮБИЛЕЙ!

Хочу рассказать о замечательном докторе многопрофильной поликлиники города Гулистана Сырдарьинской области Елене Андреевне Хлевной. Восьмого ноября 2023 года Елена Андреевна отмечает свой 60-ти летний юбилей! Когда я встречаюсь с интересными для меня людьми, я всегда задаю им вопрос, каким образом они решились получить ту или другую профессию? Что касается Елены Андреевны, то выяснилось, что она сама не может ответить на мой вопрос. У них ни в семье, ни среди знакомых не было медиков. Зато, в памяти её сохранилось чувство огромнейшего желания «Лечить людей».



ЛЕЧИТЬ ЛЮДЕЙ – ЭТО ЕЁ ПРИЗВАНИЕ

Елена Андреевна является уроженкой Кыргызстана, города Бишкек (ранее Фрунзе). Ещё задолго до школьного возраста, она лечила своих кукол, мишек, зайчиков и разных зверушек, а уж если мама, папа или бабушка принимали её «Врачебные» советы, она была счастлива до бесконечности! Поэтому, как только Леночка закончила школу, она твёрдо знала куда ей идти учиться и этот верный шаг был сделан осознанно и правильно.

После окончания Фрунзенского медицинского института она проработала два года врачом. Но вскоре, по семейным обстоятельствам, Елена вместе со своей семьёй и родителями выехала в Узбекистан на ПМЖ. Вот уже как 32 года Леночка работает в нашем городе Гулистане. Гулистан стал ей родным и любимым городом. Здесь сразу заметили грамотного, перспективного доктора, её полюбили больные. Её профессионализм, внимание и забота помогли многим быстро выздороветь, и поэтому многие стремились попасть именно к ней на приём. Я тоже слышала много хороших отзывов о докторе Елене Андреевне.

Её стараниям и горячему отношению к своим обязанностям, нет предела! Она, весьма деловая, добродушная, отзывчивая, выказывает поразительную энергию и ясность ума. Принципом её любимой врачебной работы является сформированное её родителями главное убеждение в виде цитаты: «Сначала человек, а потом его должность и всё остальное!» Этот родительский наказ Леночка несёт всю свою сознательную жизнь, излучая добрый свет. Труд доктора Хлевной Елены Андреевны по достоинству отмечен, и она награждена нагрудным знаком «Отличник здравоохранения Узбекистана», медалью «Дружбы народов».

Дорогая Елена Андреевна поздравляю Вас с Юбилеем! И от души хочу пожелать в жизни всегда исполнений желания, счастья, удачи. Пускай каждый день несет новую возможность сделать чью-то жизнь счастливее!

Шестидесятилетие – много или мало?
Ответа идеального, нам не получить ...
Чтоб Лены жизнь, не захудала,
Желаем ей, без грусти жить.

В год юбилейный – здоровья Елене,
Долгие годы – лечить свой народ.
Пусть в радость ей будут любые условия,
Богатством и счастьем, пусть полнится род.

**Спасибо вам, доктор,
я снова в строю**

Никто без врачей не живёт никогда.
Идут к нему, если больному, хреново.
Вниманьем больной окружён завсегда,
И это для всех, мне поверьте, не ново!

Средь наших врачей есть особенный врач,
Любому больному его дверь открыта.
Не терпит сей доктор ни слёз и не плач,
Ей «Доброе сердце» природою вишто!

Больного приём, как-то я подглядела...
Услышать пришлось вот такой диалог:
–Лекарство, мой друг, это просто, пол-дела,
«Народные средства» нужны, видит Бог!

По полочкам, врач, это всё разложила,
До мелочей рассказав, донесла,
Чтобы «лечение» его окрылило,
На долгую жизнь и во здравье текла!

Заметила я, что больной ободрился,
Во взгляде его, будто искра зажглась,

От счастья он, как «звезда» весь светился,
Надежда «здоровым» стать, вновь родилась!

Почти ото всех я больных только слышу:
– Спасибо вам, доктор, я снова в строю,
Давление моё стало в норме, не выше,
Я вас, милый доктор, всем сердцем люблю!

Зашёл в кабинет подросток – мальчишка,
В руках держит с гордостью розу-цветок,
С широкой улыбкой сказал шалунишка:
–Я вырастить сам эту «розочку» смог!

Гордо вручив эту «розу», мальчишка,
Ласковым взглядом врача одарив...
Узрели в поступке его одну «фишку».
В «добре» растворится любой негатив!

Елена Андреевна, доктор мой милый,
Я снова с друзьями играю в футбол,
Недавно был слабым, плаксивым и хилым,
А нынче, аж, в школу, без мамки пошёл!

Не счесть благодарностей в адрес Елены,
С участка её и с участков других.
Вряд ли, найдётся какая ей смена...
Не очень-то часто, ты сыщешь, таких!

**Л. МАХНАКОВА,
г. Гулистан.**

МИНАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

Қалбимга битилган дил изжорларим

Ижодкор бўлмасамда, қўлимга қалам олиб, меҳрли инсонларга бўлган ўз миннатдорлигимни тахририят орқали баён қилишни жоиз деб билдим.

Давлатимиз раҳбари 2023 йилни «Инсонга эътибор ва сифатли таълим» йил деб бежизга номламадилар. Албатта бу соғлиқни сақлаш тизими учун машаққатли ва шарафли иш деб билман. Халқимиз саломатлигини асрашдек эзгу ишларни амалга ошираётган кўп сонли тиббиёт ходимлари меҳнатидан қанчалар рози бўлсада арзийди. Эътирофлиси шундаки, бугун мамлакатимиз тиббиёт муассасасининг шифо масканларида бўлганимизда у ердаги давр талабига жавоб бера оладиган кенг имкониятлар, тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси ҳамда

илик муносабатлари инсонга кўтаринки кайфият бағишлайди. Мамлакатимизнинг кўп сонли тиббиёт ходимлари халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилиб келаётганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг худудлардаги таширлариди шифо масканларида бўлиб, у ердаги шароит ва имкониятлар билан танишиш баробарида бемор ва аҳоли билан суҳбатда бўлишлари ҳамда инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлигига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари ҳар биламизни хушнуд этмоқда. Шунинг

дек, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовнинг ҳам Янги Ўзбекистоннинг Янги тиббиёти сари олиб бораётган изчил фаолиятлари албатта, қувонарли ҳолдир. Жумладан, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидидаги тиббиёт муассасалари фаолиятида ҳам кўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда. Кўрсатилаётган сифатли тиббий хизматлардан Самарқанд ахли хурсанд бўлмоқда. Шу ўринда Самарқанд травматология маркази директори Ойбек Маматкулов, директор ўринбосари Солихий Отабек, 8-бўлим мудир Фахриддин Норбадалов, бўлим шифокори Ғайрат Амонов ҳамда даволаш ишлари бўйича катта ҳамшира Соҳиба Нортосева, бўлим ҳамширалари Дурдона Ҳалимова, Зарнигор Толибова, Камола Кучиеваларга оиламиз номидан ўз ташаккур-



мизни билдириб, уларни яқинлашиб келаётган тиббиёт ходимларининг касб байрами билан самимий қутлаб муборакбод этамиз. Ўзларига соғлиқ-саломатлик, ои-

лавий хотиржамлик, масъулиятли ва шарафли ишларига омадлар тилаб қоламиз.

**Шароф МАЪРУПОВ,
Самарқанд вилояти.**

ШЕЪРИЯТ

Қалб тубидаги тугёнлар

Қалб тубидан отилиб чиқадиган тугён бу ижодкорнинг ижод маҳсулидир. Шундай экан, бугунги кунда тиббиёт ходимларимиз орасида ижод қиладиган, шеъриятни қадрлайдиганлар борлигидан ниҳоятда мамнунмиз. Тиббиёт ходимларимиз касбий байрамлари олди ҳаваскор ижодкорларимизнинг ижод маҳсуллари эътиборингизга ҳавола этишни жоиз деб билдик.



Шифокор касбдошларга

Меҳнат қилиб туну кун,
Халқнинг ардоғидасиз,
Бўлсин сизга шараф-шон
Қалбимдасиз ҳар он.

Бемор дардига малҳам
Бериб, бўлингиз бардам,
Элнинг назаридан ҳам
Қолманг илло ҳар қачон!

Сизга бахту-саодат,
Сизга хайру саховат.
Сиз борсизки фаровон
Юртдаги ҳар хонадон.

Меҳнат ила обод одам,
Ғалабалар кучинг ҳар дам,
Касбингизда эгри қадам,
Келажакка бўлмас ҳамдам.

Бўлинг доим соғу омон,
Меҳнат қилиб толманг ҳар он.
Ҳақдан сизга сўраб мадад,
Ёри Жўра тилар омад!

Ёри ЖўРАЕВ,
олий тоифали шифокор.



Миллат соғлиги учун ҳоридим деманг!

Шу диёрда етишдингиз илмингиз тошиб,
Боғладингиз белингиз соғлиқ йўлида.
Ухламайсиз, дам олмайсиз беморга шошиб,
Миллат соғлиги учун ҳоридим деманг!

Илм-му курулингиз, малҳамдир – паноҳ,
Ҳақнинг йўлидасиз, қўллайдди Аллоҳ.
Ибн сино ўғити сизларга сабоқ,
Миллат соғлиги учун ҳоридим деманг!

Бемор бўлсак етишасиз икки нафасда,
Кечасими, кундузми шифо бир пасда.

Сизга қўл кўтарганлар энди “қафас”да,
Миллат соғлиги учун топталдим деманг!

Ҳар бемор сиз сабаб қутулар дарддан,
Азиз халоскорлар чарчоқни билманг.
Келган ҳар не дардни жонажон юртдан
Қувдингиз, бор бўлинг, хоридим деманг!

Қадрдон туйғулар

Минг йил ўтиб кетди орадан,
Яна минг йил кетса ўтиб,
Мен жимгина сизга бораман,
Исмингизни лабимда тутиб!

Сиз бобомнинг кўксидаги тоғ,
Асрларни тебратиб ётган.
Сиз момоннинг юзидаги доғ,
Юзларида бемаҳал ботган.

Сиз онаминг сочидаги қор,
Юлдузлардек тизилган кўкка.
Сиз отамнинг қалбидаги ор,
Оғир жангда учмаган ўкка.

Сиз укамсиз, қоқилсам агар,
Бағрин очиб кутиб олгувчи.
Сиз ёримсиз, соғинсам ҳар гал
Юрагимга исён солгувчи!

Синглим десам, сингилларимнинг,
Кўзларидан тинмаган ёшсиз.
Қаъбасиз кўнгли яримнинг,
Ҳар осмонда бита қуёшсиз...

Туринг энди кетдик одамлар,
Жўр бўламиз илоҳий сирга.
Энди ердан қуёш сўранглар,
Ой деб савол беринглар ерга...

Бу шамоллар бераҳм, баттол,
Биздан юлқиб олиб кетмасин.
Орамизда юрсин бемалол,
Орамизда қолиб кетмасин.

Кетиш олди сўнгги манзилга,
Кўзга келмай уйқуларимиз.
Иймон каби яшасин дилда,
Энг қадрдон туйғуларимиз...

Отабек ЧОРИЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
бошқармаси бошлиғи.



Элу юртнинг ифтихори

Мададкорсиз шифокорлар
Сиз беморлар халоскори,
Соғлиқ учун мададкори,
Элу юртнинг ифтихори!

Фидокорсиз шифокорлар,
Тун-кун демай, сиз меҳрибон
Опа, сингил, онадек – жон,
Ёрдам қўлин чўзиб ҳар он!

Дўст – ҳамкорсиз шифокорлар.
Касбингиздан завқланасиз,
Юртга соғлиқ улашасиз,
Зиёкорсиз, шифокорлар.

Мисли порлоқ офтобсимон,
Улашасиз соғлиқ ҳар он,
Доим бўлинг соғу омон,
Мададкорсиз шифокорлар.

Чин юракдан раҳмат сизга,
Хизмат қилиб халқимизга,
Яхшиямки бахтимизга,
Сизлар борсиз шифокорлар!

Дард кўрмасин ҳеч, қўлларингиз

Дард кўрмасин ҳеч, қўлларингиз
Касбга узук кўзидай монанд,
Толёингиз бўлсин, хўп баланд,
Бемор қалбин айлайсиз хурсанд,

Янграб ширин дил сўзларингиз.
Соғлиқ дея тинмайсиз сира,
Меҳр билан қалбингиз тўла,
Сизлар ишчан, хушфеъл ҳамшира,

Сезгир, зийрак, шу кўзларингиз.
Меҳнат қилиб, ҳеч дам олмасдан,
Кеча, кундуз, ё тун демасдан,
Ишда ҳорманг ҳеч, бўлсин чаман,

Босган қутлуг ҳар изларингиз.
Меҳр кўйган ишлар, бу ишда,
Касбин севган ишлар, бу ишда,
Ихлос қилган ишлар, бу ишда,

Фидойисиз, сиз, ўзларингиз.
Сизлар юртим гўзалларисиз,
Сулув келин ва қизларисиз,
Кўп меҳрибон аёлларисиз,

Порлаб турсин, ой юзларингиз.
Омон бўлинг, сиз бахтимизга,
Меҳнат қилиб мард халқимизга,
Соғлиқ тилаб эл-юртимизга,
Дард кўрмасин ҳеч қўлларингиз!

Эшнӣз БУРҲОНОВ,
Қашқадарё вилояти.



Қалқоним ота-онам

Шопириб келганда селлар
Фалақдан ёғилса дўллар
Қанотин остига олар
Қалқоним ота-онам.

Кўпни кўриб, кам сўзлаган
Иймон-инсофни ўйлаган,

Бировнинг ҳаққидан қўрққан
Мўминларим ота-онам.

Умрида ёлғон айтмаган
Бир-бирларин алдамаган,
Умрини бизга сарфлаган
Гул ниҳолдек ота-онам.

Бир-бирига қўмак берган,
Кўпчиликка ўрناق бўлган.
Шайтонга бўйсинмаган,
Кўнгли тоза ота-онам.

Биздан ҳеч нарса қутмаган
Борсак борин тўқиб-соцган,
Ўзи емай, бизга берган
Назари тўқ ота-онам.

Эркалим кўп кўтарган
Рухимга озор этмаган
Юрагимни бут ўстирган,
Меҳри дарё ота-онам.

Шодлигимга шерик бўлган
Қайғуйимни тенг бўлишган.
Камситилсам тик тургизган
Ҳимоятим ота-онам.

Сизларни тез-тез кўргим келар
Юрагим сизлар томон талпинар.
Кун ҳафтадан ошиб кетса
Мени қутгувчи ота-онам.

Азизларим бор бўлингиз,
Толсимга ёр бўлингиз.
Тўйларимга бош бўлингиз,
Ганч-ҳазинам ота-онам.

**Мавжудахон
ИСМОЙИЛОВА,**
Андижон вилояти.



Қарз машмаси (Қарздорлар ўқимасин)

Танишимга хўп ишониб бергандим қарз,
Ваъдалари бисёр эди қилганди лафз.
Мана энди ундиролмай бўлдим сарсон,
Пул жигардан мен пушаймон дилим вайрон.

Рўзгорин ғор дейишади, заруркан пул,
Қарзни сўрасам, важ- баҳона топар нуқул.
Салом-алиқ, муомалага кетдику дарз.
“Афеус” дейман бермасамда бўларкан қарз.

Қарзни кутиб, йиллар қараб кўзлар толди,
Куну-ойлар ўтаверар, алам колди.
Бериб қолса томоркамга эksam экин,
Ҳосилимдан “қапсан” дея берсам текин.

Ният бузук, қарз бермаслар ваъда бермасин,
Лафзим бор деб, эл ичида кўкрак кермасин.
Чойхонада ёнбошлаб палов емасин,
Сўздан тонган, номард ўзин эркак демасин.

Дардим осмон, айта олмай шеър қилиб ёздим,
Қарз дардидан кўп куюндим, семирмай оздим.
Ноинсофга инсоф тилаб, худога солдим,
Ҳаёт дарсларидан аччиқ бир сабоқ олдим.

Дунёнинг ажиб ишларига лолу хайронман,
Қарз бериб сарсон бўлган Усмон Каримман.

Абдукарим УСМОНҚУЛОВ,
Гулистон шаҳри,
шифокор

"ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН"

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК АМАЛИЁТ, ЧЕККА ВА ОЛИС ТУМАНЛАРГА КИРИБ КЕЛДИ

Жамият ривожини таъминлашда, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига эришишда фуқаролар саломатлиги муҳим ўрин тутди. Бу борада бошқа вилоятларда бўлгани каби, Сирдарё вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилиши натижасида ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тизими янада кенгайди, ҳомиладор аёллар, айниқса оналар ва болалар саломатлигини муҳофиза этиш масаласига жиддий эътибор қаратилиб қолмай, илгарилари хорижда, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида амалга оширилаётган юқори технологик жарроҳлик амалиётлари нафақат вилоят марказида, чекка ва олис туманларда ҳам йўлга қўйилди.



кир қон-томир касалликлари марказида 5 ўринли нейрохирургия, 10 ўринли травматология, 20 ўринли хирургия, 10 ўринли терапия, 5 ўринли педиатрия бўлими, Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси, унинг қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир марказининг ташкил этилиши натижасида 10 ўринли травматология, 10 ўринли нейрохирургия, 5 ўринли терапия-кардиология,

қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир маркази фаолият бошлаганига кўп вақт бўлган бўлмасада, мазкур муассасага 2023 йилнинг 15 июнидан 2023 йилнинг 28 августига қадар 4294 та мурожаат бўлган. Шундан 591 нафари мазкур марказга стационар шайхонада даволаниш учун ётқизилган бўлса, 3803 нафар беморга амбулатор хизмат кўрсатилган. Энг, асосийси, 240 нафар беморда, юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, беморларни ҳаёт сифати сақлаб қолинган.

– Марказ фаолияти йўлга қўйилгач, марказ мутахассислари томонидан лапароскопик холицистоэктомиа, лапароскопик аппендоэктомиа, узун найсимон суякларни блокловчи интрамедуляр остеосинтез, қорин бўшлиғи, кўкрак қафаси травматик -эндпротезлаш, умуртқа поғонаси диск чурралари жарроҳлик пластикаси, бош мия суягини пластикаси, жағ суяк пластикаси, юрак қон-томир, оёқ томир оғир флебетини бартараф этиш каби кўплаб амалиётлар йўлга қўйилди. – дейди Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Санат Қодиров.

Ғулом ПРИМОВ,
Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот котиби.

хоскоп тўплами, ЭКГ аппарат, КШС, ПЦР аппарат, биохимик анализатор, Гематологик анализатор тўплами, Лаборатория центрифугаси тўплами, ярим автомат имунофермент анализатор, МСКТ аппарати, гемодиализ аппарати, ЭОП рентген аппарати, мобил рентген аппарати, УТТ аппарати, лапароскоп аппаратлари келтирилди. Бу эса қўшма шикастланган ва ўткир қон-томир муаммосига дуч келган беморларга аниқ ташхис қўйиш, ташхис асосида юқори технологик жарроҳлик амалиётини ўтказиш, беморларни ҳаёт сифатини яхши-



лаш, умр кўриш давомийлигини узайтиришда ниҳоятда қул келмоқда.

Энг муҳими, Оқолтин туман тиббиёт бирлашмаси, унинг қўшма шикастланишлар ва ўт-

5 ўринли неврология, 10 ўринли ўткир юрак қон-томир хирургия, 5 ўринли юз-жағ хирургия бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Агар мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси, унинг



Энг муҳими, Президентимиз ташаббуси билан вилоятнинг Оқолтин ва Сирдарё туманларида қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари билан касалланган беморларга шошилиш тез тиббий ёрдам хизматларини йўлга қўйилгани, йўл транспорт ҳодисаси, ва бошқа сабабларга кўра қўшма шикастланган, ўткир қон-томир касалликлари билан касалланган беморларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берди.

– Илгарилари, бу турдаги касалликлар билан касалланган беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, замонавий, энг сўнги русумдаги тиббий жиҳоз-

ларни йўқлиги турли даражадаги муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлган бўлса, эндиликда бунга ҳожат қолмади. – дейди Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Юсуф Мирхонов. – Чунки, Президентимизнинг 2021 йилнинг 26 июлидаги "Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори, унда белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида мазкур муассасаларга Жаҳон банкининг шошилиш тиббий ёрдамни ривожлантириш фонди маблағи ҳисобидан Arelum стационар рентген аппарат, Hemilton C-1 ўпка суъний нафас аппарати, Видеогастроскоп тўплами, Видеооброн-

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

БУХОРО ВИЛОЯТИ

АВСТРИЯЛИК МАШҲУР КАРДИОЖАРРОҲ БУХОРОДА

Вилоятимизда юрак-қон томир касалликлари асорати натижасида келиб чиқаётган ногиронлик ва ўлим ҳолатларини олдини олиш, касалликларни юқори технологик усулда даволаш ва маҳаллий мутахассисларнинг малакаларини ошириш мақсадида жорий йилнинг 17 - 19 ноябрь кунлари Австриянинг Вена тиббиёт университети профессори, Европанинг етакчи кардиожарроҳи, аорта аневризма дастури директори МАРЕК ЭРЛИХ иштирокида РШТЭИМ Бухоро филиалида семинар-тренинг, маҳорат дарслари ўтказилади, профессионал консултациялар ва очиқ юракда операциялар амалга оширилади.

коронар ангиография ва қон таҳлиллари бепул ўтказилади. Яна бир қулайлик: текшириш натижасида беморларда касалликлар аниқланса, стационарда ётиб даволашни, шифо ўрни ва овқатланиш ҳам бепул тарзда ташкил этилади. Юракда, юрак клапанларида, аортада ва бошқа томирларда патология мавжуд бўлса, РШТЭИМ Бухоро филиалига ҳозирдан мурожаат қилишингиз мумкин.

Барча яратиладиган имкониятлар фақат - Инсон қадрини учун!

Buxoro.uz



Акция доирасида барча диагностик текширишлар: УТТ диагностика,

ЭхоКГ, доплерография, ЭКГ, велоэргометрия, суткалик ХОЛТЕР мониторинги,

O'ZBEKISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASH
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилми: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 686 дона.
Буортма рақами
Г-1135.
Босмаҳонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 20-00.